

Кўзи ожизлар Қуръонни замонавий услубда ўрганишмоқда



16:11 / 14.12.2018 2959

Саудия Арабистонининг Жидда шаҳридаги “Хойрикум” жамияти шаҳардаги энг пешқадам Ал-Сурур масжидида кўзи ожизларга Қуръони каримни ёд олишлари учун электрон воситалар орқали кўмаклашмоқда. Бу ҳақда IQNA хабар берди.

- Қуръони каримни ёд олмоқчи бўлган бундай инсонларга ҳам электрон қурилмалар, ҳам Брайл усулида ёзилган Қуръони каримдан фойдланган ҳолда таълим берилмоқда, - дейди жамиятнинг устозларидан бири Али Баажаже.

Жамият раҳбари Абдулазиз Ҳанафийнинг айтишича, дарсларга кела олмаётган кўзи ожизлар учун араб ва инглиз тилида ёзилган Қуръони

карим дастурий таъминотларини уяли телефонларига жойлаштириб, улардан фойдаланишларида кўмак беришмоқда. Маълум бўлишича, ҳар йили кўплаб кўзи ожизлар бу каби таълим курсларида қатнашиб ўз билимларини оширишига муваффақ бўлмоқдалар.

Islom.uz портали таҳририяти